

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма усулида
“Ҳимояга тавсия этилади”
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
Уразов К.Б. _____
“ ” _____ 2015-йил*

АБДУСАИДОВ САНЖАР ЖАЛОЛИДДИН ЎҒЛИ

“Солиқ имтиёзлари аудитини такомиллаштириш”

**5А-230902-“АУДИТ” мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: доц.Тошназаров С.Н.

САМАРҚАНД-2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.

1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шаротида корхоналарни солиққа тортишда солиқ имтиёзларининг тутган ўрни.....	8
1.2 Солиқ имтиёзларининг назарий асослари.....	20
1.3 Солиқ имтиёзларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	23

II БОБ. КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИ.

2.1 Солиқ имтиёзларининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсири аудиторлик таҳлили.....	32
2.2 Жисмоний шахсларга бериладиган солиқ имтиёзларининг моҳияти ва уларнинг аудиторлик таҳлили.....	42

III БОБ. «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ФОЙДАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИ.

3.1 “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини ҳисоби.....	51
3.2 “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини ўтказиш тартиби.....	59
3.3 “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартиби.....	69

IV БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

4.1 Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари.....	74
4.2. Корхонада мамуриятнинг хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари.....	79

Хулоса ва таклифлар.....	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	91
Иловалар.....	95

Кириш

«Солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкининг енгиллаштирилиши, солиқ ставкаларини камайтирилиши ҳамда солиқлар бўйича турли хил имтиёзлар берилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бунинг пировардида иқтисодийни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга»¹

И. А. Каримов

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Маълумки, Ўзбекистон Мустақиллигининг кейинги давларида мамлакатимизда фаол равишда, турли доираларда кенг муҳокама этилаётган масалалардан бири бу солиқлардир, солиқ тизими, унинг ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиқ сиёсатининг доимий равишда жамият аъзоларининг манфаатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш ҳамда ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш каби давлат солиқ сиёсатининг демократик тамойилларининг татбиқ этилишига асосланади.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек ”Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, солиқ ставкаларини камайтирилиши ҳамда солиқлар бўйича турли хил имтиёзлар берилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодийни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга” деб айтиб ўтганлари мувофиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохатларни амалга оширишда авваламбор солиқ сиёсатини янада

¹Каримов И. А Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1998. 360 бет.

такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ҳамда уларнинг амал қилиш механизмини соддалаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг иқтисодий имкониятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тизимининг, солиқ ставкаларини ва солиқ имтиёзларини қонунлар асосида ўз сиёсатининг марказлаштирган тартибда жорий этади. Иқтисодий фаолият тараққиёти рағбатлантириш (қизиқтириш)ни тақозо этади. У сиз кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Амалиётда фаолиятни рағбатлантириш иқтисодий дастакларни кенг мажмуи ёрдамида амалга оширилиб, уларнинг орасида солиқ имтиёзлари алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги даврда, жумлада-н, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида, вужудга келаётган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда, бошқа молиявий дастаклар билан бир қаторда, солиқ имтиёзларига ҳам алоҳида ўрин бериляпти. Хусусан мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматти томонидан солиқ имтиёзлари молиявий-иқтисодий инқирозидан мамлакатимиз тезроқ ва муваффақиятли равишда чиқиб кетишининг муҳим омилларидан бири сифатида қаралляпти. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микроқирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 2012 йилдаги 8 фоиздан, 2013 йилда 7 фоизга ва 2014 йилдан бошлаб 6 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айна пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратади” дейилган пайтда бу фикрнинг негизида солиқ имтиёзларига нисбатан қандай эътиборни берилаётганлигини англаш унча мураккаб эмас.

Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг

натижасидир.² Бунинг айнан шундай эканлигини, жумладан, кейинги йилларда Республикамиз Президенти ва унинг ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва Қарорлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди.³ Солиқ имтиёзларининг зиммасига ана шундай муҳим вазифа юклатилган экан, уни муваффақиятли уддалашнинг йўлларида бири уларни оптималлаштиришдир.

Бундай омиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий этилган солиқ имтиёзларининг белгиланган мақсадларда ишлатилиши назоратини олиб бориш бевосита аудит хизматини тақозо этмоқда.

Умуман олганда солиқ имтиёзлари аудити фақатгина корхона нуқтаи назаридан эмас давлат манфаати учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда республикамизда солиқлар ва уларнинг имтиёзлари ҳисоби ва аудити масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Улар жумласига Б.И. Исроилов, З.Н. Қурбонов, Б.А. Хасанов, А.К. Ибрагимов, К.Б.Уразов, Х.Н. Мусаев, Д. Пошоҳаджаева ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин.

Аммо ушбу олимларнинг ишларида солиқлар имтиёзлари ҳисоби ва аудити яхлит ўрганилмаган. Шу боис ушбу мавзуда тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасида Солиқ кодекси ва ҳукумат қарорлари асосида тақдим этилган солиқ имтиёзларининг амалда қонун

²Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.(2014 йил 21 январь)

³Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури” (ПҚ-1306 2010 йил 23 март), “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (ПҚ-1317 2010 йил 06 апрель), “Таълим муассасаларининг битирувчи-ларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4232 2010 йил 28 июль), “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (ПҚ-1325 2010 йил 19апрель) “2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инкирозга қарши Дастур” назарда тутиляпти.

доирасида қандай фойдаланилаётганлиги ва қандай натижаларга эришилаётганидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Солиқ имтиёзлари ва уларни оптималлаштиришнинг назарий масалалари, иқтисодиётни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг роли қай даражадалигини ёритиш;
- Солиқ имтиёзларининг моҳиятини ўрганиш, уларни ташкил этиш принципларининг солиқ имтиёзларини оптималлаштириш принциплари билан боғлиқлигини кўриб чиқиш;
- Солиқ имтиёзларининг таркиби ва уларнинг классификациялашига тавсиф бериш;
- Солиқ имтиёзларидан қай даражада фойдаланаётганлини таҳлил қилиш;
- Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Солиқ имтиёзлари аудитини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий очик акциядорлик жамияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети солиқ имтиёзлари ва уларни аудит текшируви дан ўтказиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ушбу Тадқиқотини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида илгари сурилган мамлакат иқтисодиётини бошқаришда муҳим дастаклардан бири, солиқ имтиёзларини қўллаш борасидаги қарашлари, Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари тўғрисида Солиқ кодекси, Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва солиқ соҳасига тегишли Статистика Қўмитасининг маълумотлари, Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари илмий мақолалар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мавзуга доир бўлган хорижий адабиётлар ва электрон сайтлардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотни тайёрлашда илмий тадқиқодларни амалга оширишнинг мантикий ва қиёсий таҳлил услуби, маълумотларни қайта ишлашнинг гуруҳларга ажратиш услуби, муаммога реал системали ёндашув услубларидан фойдаланилди. Тадқиқотдаги таҳлил этилган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Статистика қўмитаси ва бошқа органлар маълумотлари асосида олинган.

Тадқиқотнинг янгиликлари. Солиқ имтиёзларини оптималлаштириш йўналишларини аниқланганлиги, уларга қаратилган назарий ва амалий характердаги таклиф тавсияларнинг ишлаб чиқарганлиги, ҳамда уларнинг аудит текширувидан ўтказиш бўйича хулосаларга келинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши 4 бобни ташкил этиб, 1-боб “Солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва иқтисодий моҳияти” деб номланган. Ўз навбатида икки режага бўлинган. 2-боб “Корхоналарда солиқ имтиёзларининг таҳлили ва ҳисоби” деб номланган бўлиб, бунда солиқ имтиёзлари аудиторлик таҳлили ёритиб берилган.

3-боб “ «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида солиқ имтиёзлари ҳисоби ва аудити” бобида эса ушбу хўжалик юритувчи субъектида мавжуд солиқ имтиёзлари ва уни аудит текширувидан ўтказиш тартиби кўрсатилган.

4-боб эса ҳаёт фаолияти хавфсизлигига бағишланган.

Кейинги қисмлар хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.

1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни солиққа тортишда солиқ имтиёзларининг тутган ўрни.

Дунё солиқ тизимининг асосий ва ажралмас қисмларидан бири бу солиқ имтиёзларидир. Ҳар қандай давлат унинг хўжалик юритиш тизими қандай бўлишдан қатъий назар давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашда асосий воситалардан бири бу солиқлар ва солиқсиз тўловлардир.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, бизнингча, улар қуйидагилардир:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс)ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

Иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширадики, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;


Учинчидан, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида

бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида солиқ ислохотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодийетнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодийетнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Таъкидлаш жоизки солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир. Масалан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой ишлаб чиқаришини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва

пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёزلарни бериш, одатда, таъқиқланади.



1.1.1-расм. Солиқ имтиёзларининг турлари.⁴

Иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзлари ролини қуйидагича ифодалашимиз мумкин: агар у ёки бу давлатнинг иқтисодиёти ортиқча ишлаб чиқариш билан хусусиятланувчи ўсиш даврини ўтаётган бўлса, у ҳолда давлат солиқ имтиёзларини камайтириш, яъни солиқларни кўпайтириш, солиққа тортишни кучайтириш орқали корпорациялар бўш маблағларини кўпроқ бюджетга жалб қилиш лозим деб айтишимиз мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа дастаклари қатори солиқ сиёсати талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали иқтисодиётда барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш, турли соҳаларни ривожланишига актив таъсир этиш муаммоси ётади. Шу ўринда мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари халқаро солиқ муносабатларига мос келиши ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг фаол иштирок этишида мослашувчан бўлиши лозим.

Мустақил республикаимиз иқтисодий эркинлаштиришни амалга оширар экан, иқтисодиётни тартиблаш ва бошқариш жараёнида бир қатор воситалардан фойдаланиладики, бунда солиқ тизимининг солиқ ставкалари ва имтиёзларидан фойдаланиш энг самарали ва осон усуллардан бири бўлиб юзага чиқади.

Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестицияларни рағбатлантиришда ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

⁴Вахобов А., Жўраев А., Х. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: “Шарқ”. 2009 й

Солиқ имтиёзларини шу ўринда корхоналарда рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб қуйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзлари воситасида иқтисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқларни ундириш воситалари, муддатлари нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда:

- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб

тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофиқ йўлланилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- айрим корхона ва ташкилотларни бутунлай солиқ тўлашдан озод этиш;

- янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш. Бу имтиёзлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик (агар маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлса) ривожланишга ижобий таъсир этади.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо, қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатидан у турли давлатларда турлича бўлади.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар ва тушумлар катта аҳамият касб этади. Шунинг учун солиқларнинг моҳиятини тўғри тушуниш (англаш) уларнинг корхоналар қолаверса, бутун мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини тўғри баҳолай олиш иухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йилдан бошлаб кучга кирган янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 12-моддасида солиқларга қуйидагича таъриф бериб ўтилган яъни солиқлар деганда мазкур Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бизнинг назаримизда, солиқ тушунчасига илмий-назарий қарашлар билдирилаётганда унинг икки муҳим жиҳатини эътиборга олган ҳолда

ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи жиҳат унинг назарий томонини ифодаласа, иккинчи жиҳат бевосита функционал томонини ифодалайди.

Назарий жиҳатдан солиқлар – давлатнинг энг муҳим вазифаларини бажариш учун зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш имконини берувчи ва қонун йўли билан мустаҳкамланган иқтисодий қанолат билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан мажбурий тарзда тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Функционал жиҳатдан эса солиқлар - давлат бюджети даромадларини шакллантирадиган, унинг тўловчиларни ташаббускорликка ундайдиган, рағбатлантирувчи ва таққиловчи таъсир кўрсата оладиган ҳамда иқтисодиётни бошқариб туришда тартибга солувчи аҳамият касб этувчи, ўзининг бажарадиган функцияларида манфаатлар муштараклигига эришишни таъминлай оладиган мажбурий тўловлар шаклидир.

Ҳозирги даврда жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки солиқларнинг функциялари босқичма босқич равишда давлатлар ривожланиши билан ўзгариб келди.

Иқтисодиётни жамият ривожланишининг маълум даври учун зарурий йўналишларида бошқариб туришнинг асосий кўринишларидан бири солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишдир. Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларининг кенг таркибдаги турли шакллари ва усуллари мавжуд бўлиб, турли мамлакатларда улар турлича таркибда қўлланилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ имтиёзларини тақдим этишдан мақсад, баъзи солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқларни камайтириш ёки бутунлай озод этиш эмас, балки молиявий маблағлар оқимини ишлаб чиқаришнинг зарур тармоқларига йўналтиришдир. Агар йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг ўзи тақчил бўлса, у ҳолда аввало солиқ имтиёзлари мазкур тармоқлар молиявий барқарорлигига эришишига имконият яратиши лозим. Солиқ имтиёзларининг тўғри

йўналишларда берилиши ишлаб чиқаришнинг тегишли тузилмавий таркибини шакллантиришга хизмат қилади.



1.1.2-расм. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари⁵

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини белгилаш муайян мезонлар асосида амалга оширилган.

Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларнинг инвестицион мавқеига, уларнинг социал-ижтимоий ҳолатига, республикада қайси соҳани ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир.

⁵Вахобов А., Жўраев А., Х. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: “Шарқ”. 2009 й

Солиқ имтиёзларини мезонларини тўғри объектив аниқлаш солиқларнинг адолатлилиги тамойилини ифодаси сифатида юзага чиқади.

Солиқ имтиёзларининг моҳияти бевосита солиқ ва имтиёз ўртасида мавжуд бўлган диалектик боғлиқликда янада яққолроқ намоён бўлади.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ёритган иқтисодчи олим Т.С. Маликов ушбу боғланишни қуйидагича кўрсатиб беради, солиқ имтиёзини олган томон ҳам, имтиёзни берган томон ҳам манфаатлари бири-бирига мос тушсагина, солиқ имтиёзини солиқ тўловчига бериш мақсадга мувофиқдир⁶, деган хулосани илгари суради. Шунда мисол учун агар солиқ тўловчи имтиёзга эга бўлган ҳолда олдингидай молиявий натижага эришса унда бу бюджетга тўғри харажатлар сифатида таъсир қилиши мумкин. Бу фақатгина ишлаб чиқарувчи солиқ имтиёзига эга бўлгандан кейин аввалги фаолиятига нисбатан яхшироқ молиявий натижага эришсагина, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми олдингига нисбатан ўссагина, бюджет ушбу имтиёзни беришдан манфаатдор бўлади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтиш даври учун хос бўлган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин шу асосий вазифани белгилашга нотўғри ёндашиш солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай самара бермаслигига олиб келади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари аввало ҳар томонлама миллий ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзларини тақдим этишдан ютқазилган бюджет даромадлари ёки, бошқача айтганда, солиқ харажатлари яқин давр ичида ишлаб чиқариш ривожланиши, иқтисодиётда юзага келадиган номутаносибликни олдини олиш ва йўқотишга хизмат қилиши ва шу орқали албатта қопланиши лозим. Акс ҳолда солиқ имтиёзларини

⁶ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.- Т.:«Академия», 2002. 86-бет.

беришдан ҳеч қандай маъно бўлмайди. Республикамизда кўп ҳолларда берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзларни тақдим этишдан кўзланган мақсадларнинг руёбга чиқмаслиги, яъни имтиёзларнинг ишламаслиги кузатилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, булар солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган таркибда жорий этилиши, мукаммал бўлмаган имтиёзларнинг белгиланиши, акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаслиги, хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий жихатдан ночорлиги туфайли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Солиқ имтиёзлари таркибини рағбатлантиришга бўлган муносабати, иқтисодий жараёнларга таъсир этишига караб икки гуруҳга бўлиб оламиз.

Биринчи гуруҳ имтиёзларни ижтимоий имтиёзлар дейиш мумкин. Улар асосан ижтимоий соҳага, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, спорт соҳаси, ҳар хил жамғармалар, кам таъминланганлар, ногиронларни ишга жойлаштириш, каби соҳаларюига берилади. Бу гуруҳ имтиёзлар барча мамлакатларда бир-бирига яқин таркибда бўлади ва бу таркиб анча барқарордир. Аммо бу имтиёзлар миқдори ва таркиби бюджет имкониятларига, ижтимоий соҳанинг моддий соҳа хўжаликлари томонидан молиялаштирилиши ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда қисман турлича бўлиши мумкин.

Бу имтиёзларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга бевосита таъсири йўқ ва улар асосан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу гуруҳ имтиёзларга хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга қилган ажратмалари харажатларининг корхоналар фойда солиғи базасидан чегирилиши ҳам киритилади. Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра, корхоналарнинг ижтимоий соҳага қилган харажатлари учун қисман анча кам фоизда (харажатга нисбатан) имтиёзлар берилган.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётда юзага келган қайсидир муаммони ечишга, кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, уларни ўзгартиришга қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ечилиши билан имтиёзлар турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Иқтисодий муаммоларнинг камайиши ва иқтисодий ривожланиш даражасининг ўсиши билан иккинчи гуруҳ - иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи имтиёзлар камайиб, ижтимоий имтиёзлар таркибининг кенгайишига имконият яралади.

Даромадлиликнинг ошиши давлат бюджетига қўшимча даромадлар келиши учун манба бўлганлиги боис имтиёзларни юқоридаги гуруҳларга бўлиб ўрганишимизимтиёзлардан иқтисодни бошқарувчи восита сифатида фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини ўрганишдир.

Республикамиздаги мавжуд иқтисодий шарт-шароитларга кўра, давлатнинг иқтисодиётга таъсири жараёни ривожланган давлатлардан фарқ қилади. Ўтиш даври хусусиятларидан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашув жараёни бирмунча фарқ қилади. Шунинг учун иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги олдимизга қўйилган вазифаси сифатида иқтисодиётни янада эркинлаштириш вазифасининг қўйилиши ва унинг амалга ошиши ҳозирги давр учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизнинг солиқ сиёсати нисбатан мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бундай дейишимизга сабаб:

- мамлакат иқтисодининг турли тармоқларида юқори ресурс талаб қилувчи ва паст рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳанузгача мавжудлиги;

- кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда технологик жиҳатдан қайта қуролланмаганлиги;
- солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги;
- хусусий секторнинг ўз ҳуқуқларини яхши тушуниб етмаётганлиги, яъни ҳуқуқий маданияти ва билими паст даражадалиги ва шунга мувофиқ бозор қоидалари асосида мукаммал фаолият юритмаётганлиги;
- иқтисодий ёнбоқаришда айрим эски усул-унсурларининг сақланиб қолинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг таъминламаётганлиги;
- корхоналарда инвестиция олиб кириш ҳаракатларининг етарли даражада эмаслиги.

Шундай экан, солиқ имтиёзлари воситасида корхона иқтисодини тартибга солишда мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан ривожлантиришни, корхоналарнинг инвестицион салоҳиятини оширишни, хусусий мулкчиликни ҳамда рақобат муҳитини шаклланишини таъминлайдиган тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқорида белгиланган барча вазифалар авваламбор корхоналар зиммасидаги солиқ юқини пасайтириш билан ифодаланади. Ҳар қандай солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳам уларга яратилаётган имтиёз сифатида қабул қилиниши лозим. Давлат солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали иқтисодий самарали таъсир кўрсата олади. Солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали молиявий оқимлар ва товарлар оқимларининг айрим соҳалари учун қўшимча рағбатлар яратилади, импорт товарларга солиқ ставкаларининг оширилиши маҳаллий товарлар ишлаб чиқарувчиларга кенг микониятлар очиб беради. Бундай солиқ сиёсатининг асосий мақсади, корхоналар ҳисобига фойданинг кўпроқ қисмини қолдириш ва уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш билан ифодаланиб, пировард натижада солиққа тортиладиган базани кенгайтиришдан иборатдир. Шунинг учун кейинги йилларда фойда солиғи ставкасининг

пасайтирилиб борилишини ҳам маълум бири имтиёз сифатида қарашимиз мумкин.

1.2 Солиқ имтиёзларининг назарий асослари.

Солиқ имтиёзи⁷ – солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг турларидир. Масалан, юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тадбиркорликнинг кичик шакллари, ногиронлар бандлигини таъминлашни, ижтимоий-маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, тақиқланади. Солиқлар давлатнинг молия ресурслари миқдорига таъсир қилади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурияти бўлса, солиқ имтиёзлари камайтирилади ва аксинча, корхона, ташкилотларнинг фаоллигини ошириш керак бўлса, солиқ имтиёзлари кенгайтирилади. Лекин макроиктисодёт даражасида солиқ имтиёзларига кўп берилиб кетиш, бизнингча, солиқ тўловчиларда боқимандачиликка мойиллик касалини келтириб чиқариши

⁷Маликов Т. С. “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари”. Академия. Т., 2002 – Тошкент. 160. Бет

мумкин. Чунки кўшниси солиқдан озод бўлган корхона ёки фуқаро шундай имтиёзни олиш учун ҳамма очик ва таъқиқланган усулларни ишга солиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида мустақил республикаимиз иқтисодий эркинлаштиришни амалга оширар экан, иқтисодиётни тартиблаш ва бошқариш жараёнида бир катор воситалардан фойдаланиладики, бунда солиқ тизимининг солиқ ставкалари ва имтиёзларидан фойдаланиш энг самарали ва осон усуллардан бири бўлиб юзага чиқади. Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестицияларни рағбатлантиришда ва бошқаларда кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб қуйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзлари воситасида иқтисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номуносиваликни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқларни ундириш воситалари, муддатлари нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин. Солиқ имтиёзларини турли хил асослар бўйича гуруҳлаш мумкин. Виз бунини қуйидаги тартибда асослашга ҳаракат қиламиз. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ

имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда:

- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини аниқлашнинг бошқа кўриниши сифатида бизнинг менинг фикримча, “имтиёз” сўзининг қандай маъноларда ишлатилиши мумкинлигини аниқлашга ҳам жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун тегишли манбаларда мурожаат қилиш қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин: “имтиёз” арабча сўз бўлиб, ортиқча ҳуқуқ; енгиллик; тафовут; фарқ; (лаш) маъноларни англатади. Муайян сабабларга кўра айрим шахслар ёки ташкилотларга бериладиган алоҳида, ортиқча ҳақ-ҳуқуқ, енгиллик”⁸ ни билдиради. Солиқ имтиёзларига хос бўлган мажбурий характерли белгиларини, янада тушунарли бўлиши учун, чизмада қуйидагича кўрсатиш мумкин (расм қаранг):

⁸Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз бирикмаси. 5 жилдли. Ж. П. Е-М/ Таҳрир хайъати: Т. Мирзаев (рахбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёти ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.- б. 205.



1.2.1-расм. *Солиқ имтиёзларининг моҳиятини аниқлашда хизмат қилувчи уларнинг мажбурий характердаги белгилари.*⁹

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларга суянган ҳолда, бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларининг моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида бошқа солиқ тўловчиларга айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ўрнатилишининг қонунийлиги, индивидуал ва дискриминацион характерда бўлмаслиги, қўлланилишининг ихтиёрийлиги ва муддатсизлиги ҳамда солиқ устунлик (қулайлик)ларини яратишга эътибор қаратилиши бунинг мисоли бўлади.

1.3 Солиқ имтиёзларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Бугунги кунда солиқлар бўйича белгиланадиган ҳар қандай имтиёзлар солиқ кодексининг I-бўлим, I-боб, 8-моддасида белгилангандек “Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги

⁹Расм адабиётлардан келиб чиқиб ва “Солиқ имтиёзлари” мавзусидаги диссертациялар асосида ишлаб чиқарилган

хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмаслиги” таъкидланган.

Солиқ имтиёзларини белгилашда шахсий манфаат эмас, балки умумхалқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир, хўш умумхалқ манфаатлари қандай ўрганилади? Бу каби саволларга мамлакатимиз иқтисодчи олимлари бир қатор амалий ишлар олиб боришлари жараёнида турли хил хулосалар ва таклифларини берганлар. Масалан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, олим Т. С. Маликовнинг изланишларида “...ҳозирги кунда солиқ тўловчиларнинг барчаси солиқлар бўйича имтиёз масаласига бефарқ қарай олмасиги барчага аён. Ўз ихтиёрига қўйиб берилса, ҳар бир солиқ тўловчи барча солиқлар бўйича имти ёзларга эга бўлишни хоҳлайди....” деган фикларни келтирган.¹⁰Энди солиқ имтиёзларининг классификациялашда (таснифлашда) келсак бу жараёнда қуйида келтирадиган чизмадаги белгиларга эътибор берамиз: (1.3.1 расм).

¹⁰Маликов Т. С. “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари” 3.1 Солиқ ва имтиёз диалектикаси. Академия. Т.,2002 – Тошкент. 66. Бет.



1.3.1 -расм. Солиқ имтиёзларининг классификацияси.¹¹

Солиқ имтиёзлари классификация қилишда, солиқ имтиёзларини амалга оширадиган тўрт катта гуруҳга бўлдик:

1. солиққа тортиш элементларига боғлиқлик даражаси;
2. солиқ имтиёзларининг тақдим этиш шакллари;
3. солиқ имтиёзларини тақдим этиш субъектлари;
4. солиқ имтиёзларини бошқариш даражасининг тегишлилиги.

Биринчи гуруҳимизни ўзини солиққа тортиш механизмдан келиб чиқиб ва солиқ имтиёзлари жараёнига боғлиқлик сабабларига кўра икки кичик гуруҳга, боғланган ва боғланмаган гуруҳларга ажратамиз. Боғланган гуруҳимизни эса яна кичик бешта гуруҳларга ажратамиз:

1. солиқ тўловчиларга;

¹¹Расм шу мавзуда олиб борилган изланишлар ва тадқиқодлар асосида ишлаб чиқарилган. Уни ишлаб чиқаришда фақат мамлакатимиздаги амалиёт ёки унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари билан чекланиб қолмасдан, балки халқаро тажрибага мурожаат қилинган.


2. солиққа тортиш объектига;
3. солиқ базасига;
4. солиқ ставкасига;
5. тўлаш муддатига.

Солиқ имтиёзларини тақдим этиш шакллари солиқ кодекси ҳамда ҳукумат Қарор ва Фармоишларидан келиб чиққан ҳолда имтиёзга эҳтиёжнинг даражаси аниқ кўринишга келтирилиб ва чиққан натижанинг амлда белгиланишига кўра, олти гуруҳга ажратамиз:

1. имтиёзли солиқ режимлари;
2. озод қилиш;
3. олиб қўйиш (чиқариш, бекор қилиш);
4. айирмалар;
5. чегирмалар;
6. кечиктириш, узайтириш ва кредитлар.

Солиқ имтиёзларини тақдим этиш субъектлари, бевосита хўжалик юритувчи субъектлар (юридик шахслар), жисмоний шахслар ва барчага тааллуқлидир. Солиқ имтиёзларининг бошқариш даражасининг тегишлилиги эса, умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий органларгатааллуқлидир.

Агар бевосита Тадқиқотмнинг мавзусига қайтадиган бўлсак, “Солиқ имтиёзларини таркибини янада такомиллаш тириш”да, аввало унинг таркиби қандай, нималарга мурожаат қилади? Каби саволларга жавобни қуйидаги чизма орқали келтиришга ҳаракат қиламан.(1.3.2-расм)




1.3.2-расм. Тор ва кенг маънодаги солиқ имтиёзларининг қиёсий таркиби¹²

Бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларининг таркибини тор маънода эмас, балки кенг маънода талқин қилиш, ундаги барча имтиёзларнинг шундай мақомга эга эканлигига қарамасдан, уларнинг намоён бўлишини Солиқ кодексида кўришимиз мумкин. Расмада келтирилган “Фақат солиқларни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилувчи солиқ имтиёлари” га мисол жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғига нисбатан қўлланиладиган имтиёзлар.¹³ Пасайтирилган ва айрим ҳолларда эса “ноль” даражали солиқ ставкаларини қўллашда Солиқ кодексининг 7-бўлим, 38-боб, 212-моддасида келтирилган қўшилган қиймат солиғига нисбатан қўлланилади. Бизнинг фикримизча, солиқ имтиёзларини ташкил қилишнинг юқорида келтирилган принциплари солиқ имтиёзларини оптималлаштириш принциплари сифатида ҳам эътироф этилиши мумкин. Чунки солиқ имтиёзларини ташкил қилишни уларни оптималлаштиришсиз

¹²Чизма шу мавзуда олиб борилган изланишлар ва тадқиқодлар асосида ишлаб чиқарилган. Адабиётлар Маликов Т. С “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари” Академия Т.,2002 – Тошкент. 66-89 бетлар.

¹³Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 283.б 275-модда, 297.б 290-моддалар. Тошкент “Адолат” 2010 й.

тасаввур этиб бўлмайди. У ҳолда ана шулардан келиб чиқиб, қуйидаги расмни ишлаб чиқаришимиз мумкин (1.3.3-расм):



1.3.3-расм Солиқ имтиёзларини ташкил қилиш ва оптималлаштириш принциплари.¹⁴

Ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида (бевосита) солиқлар бўйича мавжуд бўлган имтиёзларнинг масштаби (кўлами) умумий шакллари ва турлари

¹⁴Чизма шу мавзуда олиб борилган изланишлар ва тадқиқодлар асосида ишлаб чиқарилган. Адабиётлар Маликов Т. С “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари” Академия Т.,2002 – Тошкент. 66-89 бетлар

(кўринишлари) хусусида бизга дастлабки тасаввур ҳосил қилишга қуйида келтирилган (1.3.1-жадвал)га эътибор қаратамиз:

1.3.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида тўғри (бевосита) солиқлар бўйича имтиёзлар тақдим этилиши ҳолати¹⁵

т/р	Солиқ имтиёзларининг шакллари (турлари, кўринишлари)	Солиқ имтиёзлари		
		Сони, (та)	Улуши, (%) да	
			Гуруҳдаги жамига нисбатан	Умумий жамига нисбатан
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар			
1.1	Фойда солиғи тўлашдан озод қилинган юридик шахслар	4	26.2	5.5
1.2	Юридик шахсларнинг солиқдан озод қилинган фойдаси	5	33.3	6.8
1.3	Солиқ солинадиган фойдани камайтириш	6	40.0	8.2
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жами имтиёзлар	15	100.0	20.5
2	Жисмони шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар			
2.1	Солиқ солинмайдиган даромадлар	30	60.0	41.1
2.2	Солиқ солишдан тўлиқ озод қилинадиган жисмоний шахслар	8	16.0	11.0
2.3	Солиқ солишдан қисман озод қилинадиган жисмоний шахслар	12	24.0	16.4
	Жисмони шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича жами имтиёзлар	50	100.0	68.5
3.	Ободонлаштириш ва ИИР солиғи бўйича имтиёзлар	4	100.0	5.5
4.	Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар	4	100.0	5.5
5.	Қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар	-	-	-
	Тўғри (бевосита) солиқлар бўйича жами имтиёзлар	73	-	100.0

¹⁵Жадвал “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”. Расмий нашр.-Т.: Адолат. 2008.- 692 б. манбасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тақдим этилган тўғри (бевосита) солиқларга тегишли бўлган имтиёзлар ҳисобга олинмаган.

1.3.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида эгри (билвосита) солиқлар бўйича имтиёзлар тақдим этилиши ҳолати¹⁶

т/р	Солиқ имтиёзларининг шакллари (турлари, кўринишлари)	Солиқ имтиёзлари		
		Сони, (та)	Улуши, (%) да	
			Гуруҳдаги жамига нисбатан	Умумий жамига нисбатан
1.	Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар			
1.1	Солиқдан озод қилинадиган реализация оборотлари	35	44.9	42.2
1.2	Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар	16	20.5	19.3
1.3	Солиқдан озод қилинадиган суғурта хизматлар	17	21.8	20.5
1.4	Солиқдан озод қилинадиган импорт	10	12.8	12.0
2	Қўшилган қиймат солиғи бўйича жами имтиёзлар	78	100.0	94.0
2.1	Акциз солиғи бўйича имтиёзлар			
2.2	Акциз солиғи солинмайдиганлар	5	100	6.0
2.3	Акциз солиғи бўйича жами имтиёзлар	5	100.0	6.0
	Божхона божи бўйича имтиёзлар	-	-	-
3.	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар	-	-	-
4.	Эгри (билвосита) солиқлар бўйича жами имтиёзлар	83	-	100.0

¹⁶Жадвал “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”. Расмий нашр.-Т.: Адолат. 2008.- 692 б. манбасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тақдим этилган тўғри (бевосита) солиқларга тегишли бўлган имтиёзлар ҳисобга олинмаган

1.3.3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича
имтиёзларнинг тақдим этилиш ҳолати¹⁷

т/р	Солиқ имтиёзларининг шакллари (турлари, кўринишлари)	Солиқ имтиёзлари		
		Сони, (та)	Улуши, (%) да	
			Гуруҳдаги жамига нисбатан	Умумий жамига нисбатан
1.	Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар			
1.1	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши	16	55.2	19.8
1.2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилиш	5	17.2	6.2
1.3	Жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулкка солиқ солмаслик	7	27.6	9.9
	Мол-мулк солиғи бўйича жами имтиёз	28	100	35.9
2	Ер солиғи бўйича имтиёзлар			
2.1	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқдан озод қилиш	4	9.5	4.9
2.2	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ солинмайдиган ерлар	26	62.0	32.1
2.3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқдан озод қилиш	10	23.8	12.3
	Ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар	2	4.7	2.5
3.	Ер солиғи бўйича жами имтиёзлар	42	100.0	51.8
4.	Недра солиғи бўйича имтиёзлар	-	-	-
5.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар			
	Солиқдан озод қилиш	4	40.0	4.9
	Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши	6	60.0	7.4
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жами имтиёзлар	10	100.0	12.3
	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича жами имтиёзлар	81	-	100.0

¹⁷Жадвал “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”. Расмий нашр.-Т.: Адолат. 2008.- 692 б. манбасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тақдим этилган тўғри (бевосита) солиқларга тегишли бўлган имтиёзлар ҳисобга олинмаган

II БОБ. КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИ.

2.1 Солиқ имтиёзларининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсири аудиторлик таҳлили.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, улар биринчидан, бу солиқ тўловчиларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлиги.

Иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб, уни тартибга солишда бир қанча дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги муҳим соҳаларни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилади.

Учинчидан, солиқ имтиёзлари орқали миллий даромадни қулай, мсамарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборат.

Солиқ кодексига асосан, солиқ тўловчиларга нисбатан бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Ёки, солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш ёки солиқ тўлашни енгиллаштириш солиқ имтиёзи деб аталади

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан берилади. Бундай мақсадлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда солиқ суммаси урнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади

Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб, қуйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;

- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш;
- солиқдан қисман озод қилиш.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу уларни белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Шунингдек солиқ имтиёзларини белгилаш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун моҳиятидан келиб чиқади.

Солиқ имтиёзлари мамлакатимизда қуйидаги мезонларга асосан белгиланади:

- Солиқ тўловчиларнинг инвестицион мавқеига қараб;
- Солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳолатига қараб;
- Соҳани ривожлантириш устуворлигига қараб;
- Импорт маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасига қараб;
- Халқаро иқтисодий алоқалар даражасидан келиб чиқиб ва ҳ.к.

Жаҳон молиявий-иқтисодий ин-қирози оқибатларининг олдини олиш ва иқтисодиётнинг реал секторидаги базавий тармоқларни қўллаб-қувватлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда маҳаллий озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат товарларни ишлаб чиқаришни ва ички бозорни кенгайтириш, маҳаллийлаштириш асосида тайёр маҳсулотлар, материаллар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини ҳамда ҳажмини ошириш, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган бир қатор фармонлар ва қарорларда назарда тутилган уй-жой ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, муҳандислик коммуникацияларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тизими изчил амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобига 500

миллиард сўмдан кўпроқ маблағ хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолган.

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1047-сон қарори мазкур фаолият тури билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини берди.

Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди.

Юқоридаги Самарқанд вилояти Пайариқ тумани бўйича 45 та корхона жорий йилнинг 9 ойи давомида 537,1 млн сўмлик солиқ имтиёзидан фойдаланиб, бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш, мавжудларини жиҳозлаш, маҳсулот турларини кенгайтириш, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирди. Бундан ташқари мазкур субъектларда кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари билан белгиланган имтиёзлардан Самарқанд вилоятилик хўжалик субъектлари ҳам самарали фойдаланиб келаётирлар.

Хусусан, 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1047-сон қарорга асосан гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб

чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари учун 2012 йилнинг 1 январигача бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари назарда тутилган эди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мазкур тоифага кирувчи 13 та корхона томонидан 2,8 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинган. қарор асосида уларга 107,3 млн сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилди. Имтиёзлар туфайли ушбу субъектлар ихтиёрида қолдирилган суммаларнинг 22,8 млн сўми янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, 83,9 млн сўми хом ашё базасини ривожлантиришга йўналтирилган.

2009 йил 29 январдаги "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1051-сон қарор асосида янгидан ташкил этилган, "қишлоқ ишлаб чиқариш инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома тузган якка тартибда уй-жой қуриш-таъмирлаш ташкилотларига солиқ тўловларидан имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятдаги 18 та ана шундай ташкилотлар томонидан 11,9 млрд сўмлик ишлар бажарилиб, олинган даромадларга 857,7млн сўмлик солиқ тўловларидан имтиёзлар қўлланилди. Бу маблағлар ҳам ишлаб чиқариш техникалари ва механизация воситалари сотиб олиш учун йўналтирилган.

Қишлоқ шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 23 мартдаги "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1306-сон қарори билан махсус дастур қабул қилинди. Ушбу Дастурга биноан маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича иш олиб борадиган ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналарга фойда солиғидан,

махаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мол-мулк солиғини тўлашдан 2012 йил 1 январгача озод этилди.

Мазкур қарорга мувофиқ қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 7 та корхона томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фойда ва мол-мулк солиғларидан жами 6 414,2 минг сўмлик имтиёзлар қўлланилган.

Шунингдек, ўтган йилнинг 29 январига "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1051-сон қарорга асосланиб, янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-ишлаб чиқариш ташкилотлари 2018 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари, мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди.

Республика Президентининг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1134-сон қарорига мувофиқ жорий йилнинг тўққиз ойи якуни бўйича 12 та корхона 208 млн сўм миқдорида имтиёзлардан фойдаланган.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инвест" инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан хусусий уй-жойлар ишлаб чиқаришини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилаётган ихтисослашган таъмирлаш-ишлаб чиқариш ташкилотлари 2018 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқларни ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳамда божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 44 та ишлаб чиқариш ташкилотига нисбатан 835,9 млн сўм миқдорида солиқ имтиёзлари қўлланилди.

Имтиёзлар туфайли бўшаб, ўз ихтиёрида қолаётган маблағлардан корхона-ташкilotлар нафақат ички эҳтиёжлари учун фойдаланаётирлар, балки бу сармояларни инвестициявий лойиҳаларга, рақобатбардошликни мустаҳкамлаш мақсадларига йўналтириб, ўз мавқеларини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Асрлар давомида халқимизнинг миллий ўзлигини ўзида намоён этиб келаётган халқ ҳунармандчилиги бугун ҳам замон талаблари даражасида сайқал топиб, шаклан ва мазмунан янгиланиб бормоқда. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, миллий маданияти ва қадриятларини ўзида акс эттирган хунармандчиликнинг ноёб турларини асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, Президентимизнинг жорий йилда қабул қилинган "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-4210-сон Фармони ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июлдаги "Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 216-сон қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуниси эътиборлики, мазкур Фармонга кўра уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар - "хунарманд" уюшмаси аъзолари учун қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди. Бунинг натижасида жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги хунармандлар ихтиёрида қатъий белгиланган солиқ тўловидан жами 27,7 млн сўмлик маблағ қолиши кутилмоқда.

Тежалган маблағлар хунармандлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларни замонавий техника воситалари билан бойитишга сарфланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Айни пайтда солиқ тўлашдаги имтиёзлар ҳамда имтиёзли

кредит олиш бўйича яратилаётган шарт-шароитлар соҳа ривожига муҳим омил бўлиб, ўзаро рақобатбардошликни таъминламоқда.

Шундай чора-тадбирлардан бири республикамиз Президенти томонидан 2009 йил 8 апрелда қабул қилинган "2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1092-сон қарорида кўзда тутилгандир.

Мамлакатимизда маҳсулотлар экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, экспортга чиқарилаётган маҳсулотларга солиқ турлари бўйича имтиёзлар ҳам қўлланилаётирки, буни жаҳон иқтисодий инқирозидан ҳимояланишнинг воситаси сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур қарор асосида фаолият юритаётган кўплаб корхоналарга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилинадиган маҳсулотларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Республикамизда солиқ имтиёзлари қуйидаги ҳужжатларга асосан берилади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Халқаро келишувлар, Ҳукумат комиссиясининг ҳисоб-китоблари механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорлари. Сўнгги йилларда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг асосий қисми имтиёзларга тегишли.

2.1.1- жадвал

. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича умумий маълумот

Солиқ имтиёзлари тақдим этишга асос булувчи ҳужжатлар	Солиқ имтиёзлари суммаси						
	2012 йил		2013 йил		2014 йил		
	суммаси	%	суммаси	%	суммаси	%	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси	20145,2	38,2	27891,9	29,2	10351,2	20,2	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари	793,436	1,9	896,902	0,9	828,773	1,6	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	11793,2	22,9	42690,5	44,7	10985,2	21,2	
Халқаро келишувлар	98,7	0,2	1587,3	1,6	362,4	0,7	
Ҳукумат комиссиясининг ҳисоб- китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюд-жетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорлари	19651,6	36,8	22395,5	23,6	29107,9	56,3	
Жами	52452,1	100	95461,6	100	51635,5	100	

Қуйида Ўзбекистонда юридик шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларни кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларида кўриб турганимиздек юридик шахслар имтиёзларининг умумий суммаси 2013 йилда 95461,6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 ярмида 51635,2 млн. сўмни ташкил этган, яъни

ўсиш анча юқори даражада бўлган, имтиёзлар суммаси бюджет даромадларига нисбатан 11,5% ташкил этган. Бу фойдаланилган имтиёзларнинг ўртача 1,5% Президент Фармонларига асосан берилган. Бу имтиёзлар асосан биринчи гуруҳга тегишли ижтимоий имтиёзлар бўлиб, уларнинг асосий қисми Уй-жой жамғарма банкка, (50%) берилган ва у 2012 йил 1 ярим йилликда 429 млн. сўмни ташкил этган.

2.1.2-жадвал

Солиқ турлари бўйича имтиёзлардан фойдаланиш таҳлили¹⁸

Солиқлар турлари	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Суммаси	%	суммаси	%	суммаси	%
1	2	3	4	5	6	7
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	5920,6	29,1	9426,4	32,1	383,3	36,4
Кўшилган қиймат солиғи	7547,5	37,0	12591,4	43,3	2935,2	27,0
Жисмоний шахслар даромад солиғи	237,2	1,1	3325,5	1,2	156,2	1,3
Мол-мулк солиғи	4449,4	21,2	4147,3	13,6	2224,8	20,8
Ер солиғи	2361,8	11,0	1963,0	6,9	1268,0	11,9
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	14,6	0,01	5,8	0,01	17,3	0,1
Ягона солиқ тўлови	5,9	0,01	4,6	0,01	73,01	0,7
Ягона ер солиғи			20,2	0,2	33,6	0,3
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	51,78	0,2	58,59	0,2	77,71	0,4
Жами	20343	100	31603,0	100	10791,2	100

¹⁸Жадвал “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”. Расмий нашр.-Т.: Адолат. 2008.- 692 б. манбасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тақдим этилган тўғри (бевосита) солиқларга тегишли бўлган имтиёзлар ҳисобга олинмаган

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек асосий имтиёзлар ҚҚС ва юридик шахслар фойда солиғидан берилган, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан берилган имтиёзлар ҳам анчагина катта суммани ва улушни ташкил этади. Шу ўринда солиқ имтиёзларининг асосий қисмини ташкил этувчи юридик шахслар фойда солиғи ва ҚҚС бўйича имтиёзлар таркиби, уларни амалда қўлланилиш натижалари, мавжуд муаммолар ва уларни такомиллаштириш масалалари ўсишда тўхталиб ўтамиз.

Республикамизда амалда бўлган имтиёзлар асосан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда тегишли умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномаларда бошқа меъёрий ҳужжатларда қонуний кучга кирган бўлиб, жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ҳамда республикамиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини эътибор олган ҳолда жорий этишга ҳаракат қилинган. Солиқ кодексига асосан берилган имтиёзлар қуйидаги жадвалда акс этган.

2.1.3- жадвал

Юридик шахслар фойда солиғидан имтиёзларнинг гуруҳлари бўйича фойдаланиш ҳолати (Пайариқ тумани мисолида)¹⁹

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил
	%	%	%
Фойда солиғидан имтиёзлар	100	100	100
Шу жумладан			
- ижтимоий соҳа учун берилган имтиёзлар	44,7	55,0	27,0
- тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш билан боғлиқ имтиёзлар	55,3	45,0	73,0

¹⁹Пайариқ тумани ДСИ маълумотлари

2012 йил 1 ярим йилда ижтимоий имтиёзлар камайишига ҳар хил ижтимоий фондларга ажратмаларнинг 2011 йилдаги 3470,9 млн. сўм ўрнига 47,7 млн. сўмга камайиши сабаб бўлди. Бундай ажратмалар асосан 2-ярим йилликда амалга оширилади

2.2 Жисмоний шахсларга бериладиган солиқ имтиёзларининг моҳияти ва уларнинг аудиторлик таҳлили.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар қуйидаги кўринишда тақдим этилади:

- солиқ тўлашдан алоҳида тоифалардаги жисмоний шахслар, шунингдек даромадларнинг алоҳида турлари тўлиқ озод қилинади;
- ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида қисман озод қилинади;
- солиқнинг чегараланган ставкалари қўлланади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёзни қўллаш жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, асосий иш жойи бўлмаган ҳолларда эса - жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этаётганда яшаш жойидаги солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига мол-мулк солиғи, ер солиғи бўйича имтиёзлар берилади. Ушбу имтиёзлар асосан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларига, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларга, пенсионерларга, ногиронларга ва бошқа тоифалардаги шахсларга берилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади ҳамда мол-мулк имтиёзга эга бўлган шахснинг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Ер солиғи бўйича имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари берилган жисмоний шахсларга

берилади. Бунда имтиёзлар солиқ тўловчининг танлашига биноан фақатгина битта ер участкасига қўлланилади.

Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа қонунларда назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан «солиқларнинг ...иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил ...»²⁰ эканлигини эътироф этилиши, албатта, бежизга эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энг табиий ва энг соғлом йўли ҳақиқатдан ҳам солиқлардир.

Президентимизнинг ушбу сўзлари мамлакатимизда солиқ сиёсатини ўрни алоҳида эканлигини кўрсатиб, иқтисодий ривожланишда жуда катта ва принципиал аҳамиятга молик масалалигидан далолат беради. Бунда энг аввало, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг алоҳида ўрнига эга эканлиги қайд этилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ўзи ишлаб чиққан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ёки уни ҳаётга татбиқ этишда турли воситалардан, дастаклардан, механизмлардан ва хоказолардан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида имтиёзларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда ва шунга мувофиқ келажакда имтиёзлар бўйича кенг илмий амалий изланишларнинг зарурати ошмоқда.

Солиқ кодексининг I бўлим, III боби 30-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни бериш тартиби белгиланган.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деганда - солиқ кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга

²⁰И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1998

нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти эътироф этилади.

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақлидирлар.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай маҳаллий ҳудуд ўз маҳаллий бюджетини ўзидаги мавжуд маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эвазига тўлиқ шакллантира олса, бу ҳудуд иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан бошқа ҳудудларга нисбатан анча тез ривожланади. Бунинг учун эса бюджет даромадларнинг асоси бўлмиш маҳаллий солиқларнинг объектлари ўз вақтида солиқ хизмати идоралари ходимлари томонидан ҳисобга олиниши, улар ҳисоби ташкил қилиниши, солиқлар муддатида ҳисобланиб, солиқ тўловчиларга тўлов хабарномалари ўз вақтида ундирилишини назорат қилиб туришлари лозим бўлади.

Солиқ кодекси XI бўлим, 48-боб 275-моддасига биноан қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки муҳофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг тегишли гувоҳномаси ёки муҳофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга - Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

4) Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг). Мазкур имтиёз тегишинча тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

7) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ

касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва рафикаларининг.

Имтиёз "Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)" штампи қўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафикаларига имтиёз фақат улар янги турмуш курмаган тақдирда берилади;

Солиқ кодексининг 275-моддасида белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

Кейинги йилларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлаётган жисмоний шахслари сони ошиб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад ижтимоий адолат тамойиларига риоя этган ҳолда, ўтиш даврида дармадларнинг нотекис тақсимланиши оқибатларини юмшатишга қаратилган деб эътироф этиш мумкин.

Шунингдек солиқ кодексининг 290-моддасида жисмоний шахсларнинг ер солиғидан озод қилиш назарда тутилган .Улар қуйидагилардир:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

3) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга - Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда, квартирада ёки ётоқхонада бирга яшовчи пенсионерлар солиқ солиш мақсадида ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ва (ёки) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар. Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг

маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган пайдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар - уларга якка тартибдаги уй-жой ишлаб чиқариши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича - ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган имтиёзлар, бундан 6-бандда кўрсатилгани мустасно, якка тартибдаги уй-жой ишлаб чиқариши, деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Гарчи сўнгги йилларда солиққа тортиладиган мулк объектлари сонининг кескин ошишига қарамасдан мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзларига эга жисмоний шахслар сони қарийб 150 000 тага ошди. Бундай кўрсаткичларга эришишнинг бош омили сифатида кучли ижтимоий ҳимояга таянган ҳолда олға бораётган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос “моделли”нинг амалдаги ижроси натажаси десак янглишмаймиз.

Жисмоний шахслар тўлайдиган ер ва мол-мулк солиқларидан имтиёзлар берилгани сингари даромад солиғидан ҳам бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Улар:

Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари деб қуйидагилар эътироф этилади.

Моддий ёрдам суммалари:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

Йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

Ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

Саноат намунасидан - уч йил давомида;

Фойдали моделдан - икки йил давомида;

Олинган алиментлар;

Давлат пенсиялари;

Солиқ кодексининг 181-моддасида.Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари белгилаб қўйилган.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

Баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақиға коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади;

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик кишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахсларнинг молиявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатувчи солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш юридик шахсларнинг фойдасига, қўшилган қийматга ва мол-мулкка солинадиган солиқларнинг қўлланилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Солиқ кодексининг 158-моддасига мувофиқ қуйидаги юридик шахслар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

III-боб. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида солиқ имтиёзлари ҳисоби ва аудити.

3.1 “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинган солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини ҳисоби.

“Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти бўлиб, фермер хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарини минерал ўғитлар билан таъминлаш ҳисобланади.


“Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзларига эга ва бўйича бухгалтерия ҳисоби юритилиб юртилади.

Даставвал биз, солиқ имтиёзлари ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги вазифалари билан танишамиз.

Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги қуйидаги вазифалари мавжуд:

- солиқ имтиёзларининг тўлиқ ва тўғри ишлатилаётганлиги ҳақида маълумот бериш;
- солиқ имтиёзларининг мақсади бўйича солиқ турига тўғри олиб борилганлигини аниқлаш;
- берилган солиқ имтиёзи қийматини ҳисоблаш;
- солиқ имтиёзи бўйича аниқланган суммаларга бухгалтерия ёзувларини бериш ;
- солиқ имтиёзи бўйича жамланган суммаларни ҳисоб регистрларида акс эттириш;

“Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти ўтган йилги ҳисобот даврида умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи ҳисобланган жорий ҳисобот йилидан бошлаб ихчамлаштирилган тартибдаги солиқ тўловчи ҳисобланади.



3.1.1-чизма. *Фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг схематик кўриниши*

“Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида кейинги ўринларда корхона дейилади умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловларидан фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари фойдаланиш ва ҳисобини юритилиш тартиби билан танишиб чиқамиз.

Даставвал фойда кўрсаткичларининг ҳолати ва таркибий тузилишини аниқлаш учун биз корхонанинг даромад манбалари, харажат йўналишлари ва уларнинг фойдага таъсирини кўриб чиқамиз.

3.1.1-жадвалда кўрсатилган корхонанинг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” ига асосан фойда кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

Бу жадвал орқали биз корхонанинг икки йиллик мавсум ичида фойда кўрсаткичларининг динамикасини кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи фойда кўрсаткичи 21 008 824 сўмга, давр харажатлари 37 174 079 сўмга ва солиқлар эса 498232 сўмга ошган. Асосий ишлаб чиқариш ва умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ҳамда соф фойда кўрсаткичлари эса камайган.

Корхона соф фойдасига энг муҳим таъсир қилувчи омиллар ялпи даромад ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи суммалари кўпайган. Салмоқли улушда таннархнинг ялпи даромадга нисбатан кўпроқ ўсганлиги натижасида ялпи фойда миқдори ўтган йилга нисбатан камайган.

Солиқ ставкаларининг ошиши эса солиқ тўловлари миқдорини ўтган йилга нисбатан оширган ва бу ўзгариш ҳам соф фойдани камайишига олиб келган.

*2012-2013 йиллар ҳолатидаги фойда кўрсаткичларининг таркибий
тузилиши*

	01.01.2013		01.01.2014		Ўзгариши (+,-)	
Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунча бўлган фойдага нисбатан салмоғи (%)	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунча бўлган фойдага нисбатан салмоғи (%)	Суммадаги	Салмоғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш. хизмат) лар сотишдан олинган ялпи фойда	134855,584	1365,9	155864,408	3143,4	21008,824	1777,5
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	11261,949	114,1	6569,47	132,5	-4692,479	18,4
3. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	9872,829	100	4 958 498	100	-4914,331	0
4. Фавкулддаги фойда ва зарарлар	0	0	0	0	0	0
5. Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	9872,829	100.0	4958,498	100.0	-4914,331	0.0
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар	2867,515	29	3365,747	67,9	498,232	38,8
7. Хисобот давридаги соф фойда ёки зарар	7005,314	71	1592.75	97,2	-2185,316	26,3

Манба: *Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2014-йил ҳолатига*

Энди эса жадвал маълумотларидан фойдаланиб соф фойдага таъсир қилувчи омиллар таҳлилини мувозанат усули орқали кўриб чиқамиз.

Мувозанат усулининг моҳияти шундан иборатки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг

фарқи қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки ҳисобот давридаги миқдори олинади.(3.1.2-жадвал)

3.1.2-жадвал

**Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили
1	2	3
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	134855,584	155864,408
2. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар (БД)	9024,507	20497,283
3. Молиявий фаолиятдан даромад (МД)	1389,12	1610.972
4. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар (С)	2867,515	3365,747
5.Жорий йилнинг соф фойдаси (СФ)	7005,314	1592,75

Манба: Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2013-йил ҳолатига

Соф фойда ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қиладиган бўлсак умумий формулада қуйидагича ифодалаймиз.

$$СФ= ЯФ- ДХ+БД+МД+ФФ-К$$

$\Delta СФЯФ$ – Ялпи фойда ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta СФЯФ=ЯФ_1-ЯФ_0=155864,408-134855,584=+21008,824$$

$\Delta СФДХ$ – Давр харажатлари ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta СФДХ=ДХ_1-ДХ_0=169792,221-132618,142=+37174,079$$

$\Delta СФБД$ – Бошқа даромадлар ўзгаришининг соф фойдага таъсири

$$\Delta СФБД=БД_1-БД_0=20497,283-9024,507=+11472,776$$

ΔСФМД – Молиявий фаолиятдан даромадлар кўпайишининг соф фойдага таъсири.

$$\Delta\text{СФМД}=\text{МД1}-\text{МД0}=1610.972-1389,120=+221,852$$

ΔСФС – Солиқлар кўпайишининг соф фойдага таъсири

$$\Delta\text{СФС}=\text{С1}-\text{С0}=3365,747-2867,515=+498,232$$

$$\Delta\text{СФ}=\Delta\text{СФЯФ}-\Delta\text{СФДХ}+\Delta\text{СФБД}+\Delta\text{СФМД}-\Delta\text{СФС}$$

$$4819,998-7005,314=+21008,824-37174,079+11472,776+221,852-498,232$$

$$-2185,316=-2185,316$$

Корхонада ялпи фойданинг ошиши натижасида соф фойда кўрсаткичи анча ўсган лекин давр харажатларининг кўпайиши ва солиқ юкининг ортиши соф фойдани ўтган йилга нисбатан камайишига олиб келган. Бунга асосий омил сифатида корхонада ўтган йилга нисбатан давр харажатларининг 37174,079 минг сўмга ошиши сабаб бўлди.

Келгусида корхона соф фойдасини ошириши учун давр харажатларини камайитириш лозим. Бунинг учун корхона бу харажатлар бўйича режа сметасини тузиб бориши, синтетик ҳисоб юритилиши ва иккиламчи, зарур бўлмаган хизмат турларидан воз кечиши зарур.

Корхона умумбелгиланган солиқ тизимида фаолият юритади ва ҳар чорак фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоботларини солиқ органларига топширади.

Корхона бу ҳисоботларни ҳар чоракда тузади ва махсус тасдиқланган солиқ ставкалари билан ҳисобга олади. Қуйида биз корхонанинг 2013-йил 2-ярим йиллигида тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва ҳисоблаш тартиби билан танишамиз.

Корхона фойдадан олинadиган солиқлар ҳисобини қуйидаги кетма-кетликда амалга оширади:

- 1) Ҳисоботни тузиш учун керакли маълумотлар тўпланади.

Бу маълумотлар корхонанинг бош китоби ёки айланма қайдномаларидан олинади.

- ❖ маҳсулот сотишдан соф тушум (9030 счет) – 4 003 243 039 сўм
- ❖ сотилган маҳсулотнинг таннари (9130 счет) – 3 868 387 455 сўм
- ❖ маъмурий харажатлар (9420 счет) – 13 863 466 сўм
- ❖ бошқа операцион харажатлар (9430 счет) – 118 754 676 сўм
- ❖ асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (9390 счет) – 9 024 507 сўм
- ❖ валюта курси фарқидан даромадлар (9540 счет) – 1 389 120 сўм
- ❖ фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзи 1 400 000 сўм

2) Маълумотлар асосида солиқ солинадиган база аниқланади.

Бунинг учун мос равишда даромадлар ва харажатлар айрилади, уларни счетлар орқали кўриб ўтаемиз:

Солиқ тўлангунга қадар фойда= 9030 – 9130 – 9420 – 9430 + 9390 + 9540-
СИ

яъни:

$$= 4\,003\,243\,039 - 3\,868\,387\,455 - 13\,863\,466 - 118\,754\,676 + 9\,024\,507 + \\ + 1\,389\,120 - 1\,400\,000 = 8\,472\,829 \text{ сўм}$$

3) фойда солиғи суммаси аниқланади.

Фойда солиғи суммасини аниқлаш учун солиқ тўлангунга қадар фойдага чегириладиган ва қайта қўшиладиган харажатлар бўлмаганлиги сабабли тўғридан-тўғри солиқ ставкасига кўпайтирилади.

$$8\,472\,829 \cdot 9\% = 762\,554,6$$

(Изоҳ: 2013-йилги ҳисобот даврида солиқ ставкаси 9% ни ташкил этган).

Бу суммалар мос равишда ҳисоботга кўчирилади.

8 472 829 сумма ҳисоботнинг 1-2 иловасидаги 010-сатрига кўчирилади.

762 554,6 сумма эса 1- илованинг 160 – сатрига олинади.

4) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоботини тузиш тартиби.

Ушбу солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзи мавжуд эмас.

Бу солиқ турининг базасини аниқлаш учун солиқ тўлангунга қадар фойдадан фойда солиғи суммасини айириб ташлаймиз ва мос солиқ ставкасига кўпайтирамиз.

$$8\,472\,829 - 762\,554,6 = 7\,710\,274,4 \text{ сўм}$$

$$7\,710\,274,4 * 8\% = 616\,821,9 \text{ сўм}$$

Бу операцияларга қуйидаги бухгалтерия ёзувлари ёзилади:

Фойда солиғини ҳисобланганда

Д-т	К-т	Сумма
9810	6410	762 554,6

Солиқ имтиёзи суммаси 8840 счётага йиғилади ва унга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

Даставвал солиқ имтиёзи суммасини аниқлаймиз.

$$1\,400\,000 * 9\% = 126\,000$$

Д-т	К-т	Сумма
9810	6410	126 000
6410	8840	126 000

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланганда

Д-т	К-т	Сумма
9820	6410	616 821,9 сўм

Счётлар ёпилганда: Д-т К-т Сумма

9910	9810	762 554,6 сўм
9910	9820	616 821,9 сўм

3.2 “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини ўтказиш тартиби

Тадқиқот объекти сифатидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини ҳисобланади. Бизга маълумки, қишлоқ хўжалик фаолияти ўта муҳим тармоқ ҳисобланади. Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун йирик сармоя ва катта техник базага эга бўлиши зарур.


Бу хусусиятлар ушбу корхона ҳисоб тизимида ҳам ўз аксини топади.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти ҳар йили аудит текширувидан ўтиб келмоқда. Мазкур аудит текширувлари корхонанинг молиявий аҳволи ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Корхонанинг молиявий аҳволи унинг молиявий натижасида яъни соф фойдасида намоён бўлади. Аудит текширувлари фойданинг бирламчи кўрсаткичлари даромад ва харажатларни аудит қилишдан бошланади.

Қуйида биз, *«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти*да фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини кўриб чиқамиз. Аудитор учун асосий ахборот манбаи 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” саналади.

3.2.1-диаграммада, *«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти*нинг 2013-йилда олган даромадларнинг фаолият турлари бўйича улушларини кўришимиз мумкин.



3.2.1-диаграмма.

Диаграммдан кўриниб турибдики, асосий даромад бажарилган ишлардан олинган даромадга тўғри келмоқда.

Бажарилган ишлардан олинган даромад – 99.8%, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар – 0.2% ва молиявий фаолиятдан эса даромад олинмаган.

Олинган даромад бўйича аудит ўтказилганда ҳеч қандай четланиш аниқланмаган. (3.1.1-жадвал)


3.1.1-жадвал

Олинган даромадлар бўйича аудит натижалари

Олинган даромадлар	ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Бажарилган ишлардан олинган даромад	2 815 687	2 815 687	-
Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар	5 520	5 520	-
Молиявий фаолиятдан да- ромадлар	-	-	-
Жами	2 821 207	2 821 207	0

(Маълумот манбаи “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”)

3.2.2-диаграммада, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2013-йилдаги харажат турлари бўйича улушларини кўришимиз мумкин.



3.2.2-диаграмма.

Диаграммдан кўриниб турибдики, асосий харажатлар ишлаб чиқариш ишларига сарфланмоқда. Баждарилган ишларнинг таннархи – 95%, давр харажатлари – 4%, молиявий фаолият бўйича харажатлар эса - 1%ни ташкил этмоқда.

Харажат турлари бўйича аудит ўтказилганда ҳеч қандай четланиш аниқланмаган. (3.2.2-жадвал)

3.2.2-жадвал

Харажат турлари бўйича аудит натижалари

Харажат турлари	Ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	Аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	Ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Баждарилган ишлар таннархи	2 733 180	2 733 180	0
Давр харажатлари	105 576	105 576	0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	27 497	27 497	0
Жами	2 866 253	2 866 253	0

Маълумот манбаи: “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”
«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2012-йил ва 2013-йилдаги молиявий ахволига қуйидаги жадвал орқали баҳо беришимиз мумкин (3.2.3-жадвал)

3.2.3-жадвал

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2013-йил ва 2014-йил 5 ойи мобайнида фойда ва ундан олинadиган солиқлар кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2012-йил (минг, сўм)	2013-йил (минг, сўм)	ўсиш тенденцияси +,- (минг, сўм)
Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар)	37 706,64	(45 046,00)	- 82 753
Фойда солиғи суммаси	3 393,60	0	0
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	2 745,04	0	0
Солиқ имтиёзи	126,00	0	0
Соф фойда	31 568,00	- 45 046,00	- 76 614

(Маълумот манбаи “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. 2013-йил 31 568,0 минг сўм соф фойда билан чиққан бўлса, жорий йилда эса 45 046,0 минг сўм зарар кўрган.

Аудит ўтказиш жараёнида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг чораклик топширилган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” га мослиги текширилди ва аудит натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди: (3.2.4-жадвал)

3.2.4-жадвал

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2013-йилдаги якуний фойда ва ундан олинадиган солиқ кўрсаткичларининг аудити натижалари


Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	Аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	Ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Солиқ тўлангунга қадар фойда	37 706,64	37 706,64	0
Фойда солиғи суммаси	3 393,60	3 393,60	0
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	2 745,04	2 745,04	0
Солиқ имтиёзи	126,00	126,0	0
Соф фойда	31 568,00	31 568,00	0

(Маълумот манбаи “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” , Фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари)

Аудит натижаларидан кўриниб турибдики, ҳисобот маълумотларида ҳеч қандай четланишлар содир бўлмаган.

Корхоналарда аудиторлик текширувини ўтказишда уни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади, зеро ҳар бир фаолиятни, ҳаракатни бошланиши


гўё унинг фундаментиدير. Аудиторлик текшируви босқичларинининг ҳар бирининг ўз хусусияти, вазифаси, ҳуқуқий асоси ва маъсулияти мавжуд. Корхоналарда аудиторлик текширувининг босқичлар назарий жиҳатдан деярли бир хил. Корхонанинг хусусиятларидан, аудиторлик ташкилоти аудиторлари тажрибасидан ва аудиторлик шартномаси шартларидан келиб чиқиб айрим босқичларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.





3.2.2-чизма. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинadиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини ўтказиш кетма кетлиги (Бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича)

Аудитор ушбу бухгалтерия объектларини қуйидаги бухгалтерия ҳужжатлари асосида индукция ва дедукция ёндашувида текшириши мумкин.



3.2.3-чизма. фойдадан олинadиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини ўтказиш кетма –кетлиги (бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари)

Фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудити ўтказиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:²¹

3.2.1-жадвал

Фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудити ўтказиш босқичлари

№	Босқичлар	Босқичда амалга ошириладиган тадбирлар
1.	Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич	Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: - Аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; - Аудит ўтказувчи субъектга (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш” номли ЎзР 31-сон АФМСга мувофиқ) дастлабки танишиш учун аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик рискининг даражаси белгиланади (“Муҳимлик ва аудиторлик риски” номли ЎзР 9-сон АФМСга мувофиқ); - Аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудит ўтказиш шартлари, жумладан, аудиторлик хатари даражаси кўрсатилади; - Аудит ўтказиш шартлари ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; - Аудитнинг (“Аудитни режалаштириш” номли ЎзР 3-сон АФМСга мувофиқ) дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади; - Аудиторлар ўртасида функционал вазифалар ўзаро боғланади.

²¹ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: “Ўқитувчи” 2004

2.	Аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичи	Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ фойдадан олинадиган солиқларга доир бирламчи ҳужжатлар ва солиқ ҳисоботлари танланган усулларда аудит қилинади.
3.	Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи	Ушбу босқичда: • Аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади; • Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади; • Аудиторлик текширувида солиқ ҳисоботларининг Солиқ Кодекси ва 3-сон БҲМС га мувофиқлиги текширилади; • Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси ҳамда “Аудиторлик ҳисоботи ва мол-й ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси” ЎзР 70-сон АФМСга мувофиқ) ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади, аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади
4.	Аудиторлик текшируви натижаларини татбиқ этиш босқичи	Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича (ЎзР “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси ҳамда “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси” ЎзР 70-сон АФМСга мувофиқ) аудиторлик хулосаси берилади.

Корхонада аудитор текширув сифатини ошириш мақсадида ички назорат тизими ҳолати ва бухгалтерия ҳисоби бўйича текширув тестларини амалга оширилди:

Ички назорат тизими ҳолати ва бухгалтерия ҳисоби бўйича тестлари

№	Савол мазмуни ёки ўрганиш объекти	Жавоб мазмуни (текширув натижаси)	Белги	Аудиторнинг хулосалари ва қарорлари
А. Ички назорат				
1.	Корхонада ишлаб чиқариш ишларига қилинган харажатлар ЎзР ВМ нинг 1999-йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мос келадими?	Мос келади	<u>5</u>	Назорат қониқарли
2.	Ишлаб чиқариш материаллари кими ва чиқими қандай расмийлаштирилган?	Меъёрларга асосан	5	Назорат қониқарли
3.	Пудрат шартномалари тўғри тузилганми? Белгиланган тартибларга мос келадими?	Мос келади	5	Назорат қониқарли
4.	Молиявий ҳисоботлар 3-сон БҲМСга мувофиқ тузилганми ?	Мувофиқ тузилган	5	Назорат қониқарли
5.	Молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатларда тегишли органларга	Ҳа	5	Назорат қониқарли

	топшириладими?			
6.	Фойдадан олинадиган солиқлар Солиқ кодексига мос ҳисобланганми ?	Мос келади	5	Назорат қоникарли
7	Фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари меъёрий ҳужжатларга асосланганми?	Ҳа	5	Назорат қоникарли

Жами тўпланган балл – 35 балл

Энг юқори балл – 35 балл

Корхонанинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилаётганлик даражаси = $\text{ЖБ} \cdot 100\% : \text{ЭБ} = 100\%$

3.3 «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари аудитини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартиби

Аудиторлик ҳисоботини ва ҳулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудит натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ☐ ишчи ҳужжатларни шархлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- ☐ аниқланган камчиликларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолаш;
- ☐ аудиторлик далил - исботларнинг етарлилигини баҳолаш;
- ☐ амал қилаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- ☐ бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;

- хисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
- текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;
- аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасини тузиш²².

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида аудит вазифаларидан келиб чиқиб, текшириш натижаларини қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилган: бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси ва аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш далолатномаси.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятида аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган далолатномада, корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати акс эттирилган. Далолатнома маълумотларига кўра корхонада молиявий аҳвол барқарор эмас.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2012- йилги фойда рентабеллиги даражаси -1.6 га тушиб кетди, қарзларини тўлай олиш даражаси эса -281203.0 минг сўмга тўғри келмоқда.

Аудиторлик текширувидан ўтказиш далолатномаси қуйидаги текшириш жадваллари асосида тузилган:

²² Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003.

3.3.1-жадвал

Харажат турлари бўйича аудит натижалари

Олинган даромадлар	ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Бажарилган ишлардан олинган даромад	2 815 687	2 815 687	-
Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар	5 520	5 520	-
Молиявий фаолиятдан даромадлар	-	-	-
Жами	2 821 207	2 821 207	0

3.3.2-жадвал

Олинган даромадлар бўйича аудит натижалари

Харажат турлари	ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Бажарилган ишлар таннари	2 733 180	2 733 180	0
Давр харажатлари	105 576	105 576	0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	27 497	27 497	0
Жами	2 866 253	2 866 253	0

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2011-йилдаги якуний фойда ва ундан олинadиган солиқ кўрсаткичларининг аудити натижалари

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотларига кўра (минг, сўм)	Аудит текшируви натижаларига кўра (минг, сўм)	Ўртадаги фарқ +,- (минг, сўм)
Солиқ тўлангунга қадар фойда	37 706,64	37 706,64	0
Фойда солиғи суммаси	3 393,60	3 393,60	0
Солиқ имтиёзи	126,0	126,0	0
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	2 745,04	2 745,04	0
Соф фойда	31 568,00	31 568,00	0

Мазкур аудит натижалари аудиторлик ҳисоботини тузишга асос ҳисобланади. 2013-йил 27- феврал санасига тузилган **«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти**нинг 2011-2012-2013 йиллар 1 январ ҳолатига тузилган бухгалтерия балансига берилган аудиторлик хулосасида қуйидагилар акс эттирилган:

Аудит ўтказувчи ташкилот “Номбур – Audit” МЧЖ нинг олинган лицензияси, аудит ўтказувчи аудиторнинг исми ва фамилияси ва бошқа рекзивитлар кўрсатилган;

- Асосий қисмда, аудит текширувининг натижалари кўрсатилган унга кўра, **«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти**да 2011-2012-2013 йиллар мобайнида олиб борилган ҳисоб тизими амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга тўлиқ мос келган;

- Кейинги қисмда **«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти** нинг 2012-йилдаги молиявий ҳолатига баҳо бериб ўтилган унга кўра 2012-йилда 2 821 207.0 минг сўмлик бажарилган иш ва хизматлардан даромад олиб, олинган даромадга нисбатан 2 866 253.0 минг сўмлик харажат қилиб, 45 046.0 минг сўмлик зарар билан йилни якунлаган. Рентабеллик даражаси - 1.6 га, тўлов қобилияти - 281 203.0 минг сўмга тўғри келган.

IV БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992 ил 8 декабр):

Олий Мажлисининг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, Ҳаётда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78-модда).

Маҳаллий ҳокимият органларнинг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига жумладан қуйидагилар киради:

- қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботини ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимлар белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳам ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилona шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, Ҳаётда ҳолат шароитида ва ҳ.к.) ташқари мажбурий меҳнат тақққланади» дейилган.

Конституциянинг 37-моддасида «Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади» деб, фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди. 38-моддада «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаяқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга, худди шунингдек пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» деб фуқароларимизнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли-туман тиббиёт хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ходимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланди.

Юртимизда фуқаро меҳнати муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни (1993 й. 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр, №161-1), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикиси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун жами 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнاتини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг биринчи умумий қоидалар бўлимида (жами 7 модда): Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат дейилган (2-модда).

Меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш (2 бўлим, 8-15 моддалар)да меъёрий таъминлаш, муҳофаза талабларига риоя қилиш, мутахассисларни тайёрлаш, молиявий таъминлаш, иқтисодий манфаатдорлик, хавфсиз шароитларни таъминлаш, муҳофаза хизматлари ва ижтимоий суғурта ҳақида айтилган.

Агар қонуннинг 3 бўлимида ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар (16-21 моддалар) келтирилган бўлса, 4 бўлимда давлат ва жамоатчилик назорати (22-24 моддалар) ва сўнгги 5 бўлимда қонун ва меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда Меҳнат Кодексида тўлиқ XIII боб «Меҳнатни муҳофаза қилиш» деб аталиб, ундаги талаблар 211-223 моддаларида кўрсатилган.

Ушбу икки меҳнатни муҳофаза қилиш асосий ҳужжатлар асосида, ишлаб чиқилган Низомда (4 бўлим, иловалардан ташкил топган) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида аниқ тадбир ва чоралар, қоида ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги таъминланган. Бу эса меҳнат қилиш ҳақидаги қонуниятда таъкидланган. Шу билан бирга аёллар аъзоларининг баъзи хусусиятларини ва аёлларнинг оиладаги мавқеини ҳисобга олиб, қонуниятда улар учун маълум енгилликлар ва махсус қоидалар белгиланган. Аёллар соғлигига зарар келтиришини ҳисобга олиб, баъзи бир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Масалан, аёлларнинг захарли моддалар ажралиши билан боғланган кимё саноатининг баъзи тармоқларида, ер ости ишларида ва бошқа

бир қанча ишларда ишлашларига йўл қўйилмайди, улар қўлда 20 кг гача бўлган юкни ва замбилғалтак билан 50 кг дан ошмаган юкни олиб юришлари мумкин.

Фарзанд кўриши керак бўлган ва эмизувчи аёлларга махсус енгилликлар туғидирилади. Бундай аёлларни ва 8 ёшгача болалари бўлган аёлларни тунги (соат 22 дан соат 6 гача), ишдан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва командировкага юбориш тақиқланади.

Маъмурият баъзи ҳолларда бундай аёлларни врач хулосасига асосан, ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда енгил ишларга ўтказиши лозим. Аёлларга туғиш олдидан ва тукқандан кейин 56 кендар кундан ҳақ тўланадиган дам олиш кунлари берилади. Бундан ташқари, фарзанд кутаётган ва эмизувчи аёллар учун яна бир қанча енгилликлар берилади.

Саноат корхоналарида ишловчи аёллар учун бола эмизиш хоналари, душ хоналари ва шахсий гигиена хоналари ташкил қилинади.

Ўсмирлар учун бир календар ой миқдорида йилнинг энг яхши даврларида ёки ўзи хоҳлаган вақтда дам олиш кунлари берилиши керак. Ўсмирлар меҳнатидан тунгги ишларда, ишдан кейин қолиб ишланадиган ишларда, дам олиш кунларида фойдаланиш бутунлай тақиқланади. Ўсмирлар соғликлари учун зарарли моддалар ажралиб чиқиш билан боғлиқ бўлган ишларда ишлатиш мумкин эмас. Машинасозлик саноатида ўсмирлар меҳнатидан гальваник цехларда, ҳар хил шамоллатиш тизимларини ремонт қилиш ва тозалашда, шунингдек, симоб ва симоб бирикмалари билан ишланадиган баъзи бир ишларда фойдаланиш мумкин эмас.

18 ёшга тўлмаган ўсмир болаларга 16 кг гача, қизларга эса 10 кг гача бўлган оғирликдаги юкларни кўтариш рухсат этилади. Ўсмирлар ишга қабул қилинаётган вақтда тиббиёт кўригидан ўтказилади, шунингдек 18 ёшга тўлгунча йилига белгиланган режага мувофиқ тиббиёт кўригидан ўтказиб турилади. Агар тиббиёт кўриги ўсмир бажараётган иш, унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатаётгани сезилса, ўсмир дарҳол хавфсиз ва енгилроқ ишга ўтказилади.

Баъзи бир соҳаларда зарарли иш шароити бўлган жойлар учраб туради. Меҳнат қонуниятига асосан бундай жойларда ишловчилар учун устама ҳақ тўланади ёки иш соати қисқартирилади. Иш соатининг қисқартирилиши натижасида ишчи зарарли моддалар бўлган зонада камроқ бўлади ва бу билан у камроқ захарланади.

Зарарли моддалар ажралиши мумкин жойларда ишловчи иш кунларида 0,5 литр миқдорда сут ёки шунга яраша бошқа эҳтиёт чора сифатида маҳсулотларни оладилар. Сут олиш зарур бўлган касбларни ФЗКУ билан келишилган ҳолда корхонанинг раҳбар ходимлари белгилайди. Бунга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган илмий хулосалар асос қилиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси мазмунида ишлаб чиқариш корхоналари маъмурияти меҳнаткашларга ишлаб чиқариш билан боғланган ҳар қандай шикастланиш ёки зарарланишни, шунингдек моддий йўқотишни қоплаш мажбуриятини олади.

Хавфсиз ишлаш шароитини яратиш борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини ташкил қилмаслик натижасида ишчининг бахтсиз ҳодисага учраши саноат корхонасининг ёки раҳбар ходимларнинг айби ҳисобланади. Моддий йўқотишни қоплаш миқдори ва тартиби махсус қоидалар асосида олиб борилади.

Юқорида биз меҳнат қонун, кодекси ва айрим меъёрий ҳужжатлардан қонун, қоида ва кўрсатмалардан айримларини кўриб чиқдик. Шулардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳаёт фаолияти етарли қонун ва қоидалар билан кафолатланган.

4.2. Корхонада маъмуриятнинг хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари

Қурилиш ташкилотларида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари кодексига ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 211-моддаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари” деб номланган бўлиб, унда “Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади” эканлиги белгиланган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни меҳмонхона мажмуаларида ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, меҳмонхона ишларини ташкил қилувчи, меҳмонхонада меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар киритилади.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қуйидагича тақлид қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қуйидагилар:

Ҳар бир ишчи, хизматчи учун иш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, станок ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш қуроллари билан таъминлаш, саноат ва меҳнат интизомини, ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шароитини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга

қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланади. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиладиган тавсияномада белгиланган бўлади.

Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлашда корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Меҳмонхона мажмуалари касаба уюшмалари Марказий (Республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари, йўл ҳаракати

хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бахтсиз ҳодисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб уч хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган:

- 1.Интизом жавобгарлиги.
- 2.Жиноий жавобгарлик.
- 3.Моддий жавобгарлик.

Биз тадқиқот ўтказган “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖ ташкилотида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилган ва касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда махсус Низом ишлаб чиқилган. Қурилиш ишларини олиб боришда ишчилар хавфсизлиги бўйича ишларни олиб бориш хавфсизлик техникаси инжинерига юклатилган. Юк ташиш транспортлари бўйича йўл ҳаракати ва юк ташиш хавфсизлиги транспорт бўлими бошлиғига юклатилган. Ташкилотда тиббий ёрдам хизмати ташкил этилган.

Ҳайдовчилар ва ишчилар иш бошланишдан олдин тиббӣ кўрикдан ўтказилади ва қурилиш ишларини олиб боришда ишчиларнинг жароҳатланиши юз берадиган бўлса тез ёрдам етиб келгунча биринчи тиббӣ ёрдам кўрсатилади.

Қурилиш оғир ишлар қаторига кирганлиги сабабли бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда махсус кийим ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва меҳмонхоналарда касб касалликлари ва жароҳатланишга олиб келадиган омилларни бутунлай йўқотиш меҳмонхона раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, қоида ва нормалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамадан қурилиш ташкилотларида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Ҳар бир меҳмонхона мажмуалари ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усуллариини ўргатиш ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктажларни асосан тўрт гуруҳга бўлиб қараш мумкин: 1) кириш инструктажи; 2) иш жойидаги инстуктаж; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж ва 4) режадан ташқари инструктаж (ГОСТ 12.004-74 (МХСС)).

Қурилиш ташкилотлариининг ҳаммасида иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври, мутахассислиги ва малакасида қатъий назар инструктаждан ўтишлари шарт. Қурилиш ташкилотларида инструктаж системаси ташкил этилган бўлиб улар қуйидагича:

Кириш инструктажи. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади – ишга кираётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни меҳмонхона объектидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш инструктажи хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида ишга кираётган ишчи қуйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, меҳмонхонада йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, ўзини тутиш қоидалари, меҳмонхона мажмуасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизмларни саромжон ва озода сақлаш қоидалари, махсус иш шароити ташкил қилинган айрим бўлимлар билан таништириш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш бунда асосий диққат эътиборни ҳар хил эритувчилар, енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи хавфи мавжуд бўлган объектларга қаратиш керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва санитарияси қоида, норма ва инструкцияларининг бузилиши натижасида вужудга келган бахтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкоғолли ичимликлар бахтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Кийим бош, махсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитар маиший хоналардан фойдаланиш тартиби, бахтсиз ҳодиса рўй берганда, бахтсиз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги инструктаж. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир бўлимдан иккинчи

бўлимга ўтказилган, агар бу ўтказишлар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги инструктаждан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги инструктажда қуйидагилар тушунтирилади: ишчининг доимий ишлаш жойи, технологик жараён ва хавфли участкалар, ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қирилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги.

Шахсий муҳофаза асбобларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимларга қўйиладиган талаблар.

Иш жойини ташкил қилиш бунда туристларни жойлаштириш, иш жойларини ифлос ва кераксиз нарсалар билан тўлиб кетишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари ва иш жойларини тўсиб қўймаслик.

Транспорт воситалари фойдаланиш тартиблари.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиш мумкин бўлган иш усуллари қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган саноат зарарли моддалари ҳақида тушунча бериш ва улардан сақланиш усуллари кўрсатиш.

Инструктаж ўтказётганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин ташкилотларида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши мумкин. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Иш жойидаги инструктажни мастер ёки менежер ўтказди.


Вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж. Бу инструктажни ўтказиш вақтини меҳмонхона мажмуаларикасаба уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, меҳмонхона мажмуасининг раҳбарияти белгилайди.


Бу инструктажнинг мазмуни иш жойидаги инструктаж мазмуни билан бир хил. Инструктаж кириш инструктажи сингари ҳамма ишчилар иш стажи, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва техникаларнинг киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли ишчиларнинг хавфсизлиги сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Шу меҳмонхона мажмуасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ходиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик инструктаж. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошладан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допуска ёзиб қўйилади.

Тоза ва ташқи таъсирдан асровчи кийим		Ташқи таъсирдан асровчи қўлқоплар	
Ташқи таъсирдан асровчи бош кийим (каска)			

			
Ташқи таъсирга чидамли оёқ кийим		Турли газларга қарши асбоб ускуналар	
		ва ҳоказо	

4.2.1-чизма. “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖ да ҳаёт фаолияти муҳофазаси
учун зарурий бўлган деталлар

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жумладан, солиқ тизимидаги ўзгаришлар иқтисодий ривожлантиришнинг асосий дастакларидан биридир. Шу сабабдан республикада ўзига хос солиқ сиёсати ишлаб чиқилган. Унга кўра солиқ ставкаларини босқичма-босқич тушириб бориш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини эркинлаштиришдан иборатдир.

Солиқ имтиёзлари ва уларнинг бозор муносабатларини эркинлаштириш шароитида тўлиқ амал қилиши учун бозор иқтисодиёти механизми асослари тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим. Биринчи навбатда корхоналарнинг иқтисодий самара олиш имкониятларини кучайтириш лозим. Айнан мана шу мақсадда уларга имтиёзлар билан таъсир кўрсатибгина қолмай, балки солиқ юкини пасайтириш, солиқ базасини тартибга солиш каби тадбирларни параллел йўналишда олиб бориш лозим. Солиқ имтиёзларининг берилиши тартиби биринчи навбатда мамлакатдаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши керак. Яъни, янги технологияни жорий этиш, реконструкциялаш, янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техник қайта қуролланишга қаратилган имтиёзлар устивор аҳамият касб этиши даркор. Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг таъминланиши, солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши, эркин тадбиркорлик йўлидаги баъзи ғовларнинг олиб ташланиши мавжуд вазиятнинг ижобий ҳал этишга замин яратади. Шунингдек, имтиёзнинг берилиши имтиёз олган томоннинг манфаатларига мос келиши ва унинг зиммасидаги солиқ юкини камайитишга хизмат қилиши керак.

Амалдаги солиқ тизимида, хусусан фойда ва қўшилган қиймат солиқларида кенг тартибда солиқ имтиёзлари ишлаб чиқилган. Лекин, ана шу имтиёзлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги унинг самарасиз ишлашига олиб келмоқда. Бу албатта мамлакат келажаги учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш технологиялари, асбоб-ускуналарнинг янги

турларини яратиш борасидаги тадбирларнинг самарали амалга ошишига тўсқинлик қилади.

Хусусан, фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзларининг жорий этилиши ва уни аудит текширувини такомиллаштирилиши бевосита хўжалик юритувчи субъектлар маблағларининг кўпроқ қисмини ўз ихтиёрида қолдириш имкониятини бермоқда ва бунинг натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинмоқда, бундан ташқари бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар сони ошиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда. Пировард натижада бюджетдаги маблағларнинг кўпайишига эришилиб келмоқда. Бу президентимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган солиқ сиёсатининг самарасидир.

Тадқиқот натижаси сифатида *«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти*да солиқ имтиёзлари ҳисоби ва аудитини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни кўриб чиқиш зарур:

- Биринчи навбатда ҳисоб сиёсатини корхона фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” асосида ишлаб чиқиш;
- Ҳисоб регистрларини ҳисоб сиёсатига мос узликсиз ҳисоб тизимида юритиш;
- Ҳисоботларни бирламчи ҳужжатларга мослигини таъминлаш ва тўғри тузиш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ундириш ва тўлаш.

Аудит текшируви бўйича хулоса ва таклифлар:

- Солиқ имтиёзларини назорати бўйича ички аудиторлик хизматини ташкил этиш;
- Барча солиқ турлари бўйича тематик аудитини ташкил этиш.
- Солиқ имтиёзлари бўйича аудит стандартининг мавжуд эмаслиги;

- Фойдадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ имтиёзи тематик аудитнинг кенг тарқалмаганлиги;
- Ички аудит заруратининг қондирилмаганлиги.
- Ички аудит заруратини қондириш учун малакали мутаххассислар етиштириш.

Ушбу таклифлар амалга оширилиши корхонадаги ҳисоб тизими ва бевосита молиявий ҳолатини ҳам анча яхшиланишини олиб келиши мумкин.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти ҳар йили ташаббусли аудитни ўтказиб келмоқда. Мазкур аудит текширувлари корхонанинг молиявий аҳволи ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда аудит текширувини амалга оширишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Мазкур усулларни танлаб олиш ва уни тўғри қўллаш билан бир қаторда аудит объекти фаолиятига мослаштириш зарур. Тўғри танловни амалга ошириш аудиторнинг малакасига ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир. Шу боисдан ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш ташкилотларини аудит текширувини амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланишни тавсия этамиз:

- Аудиторлик танлаш усули;
- Оператив усуллар (тест, сўровнома);
- Солиштириш усули.

Ишлаб чиқариш ташкилотаридаги содир бўладиган хўжалик операцияларининг кўплиги ва мураккаблиги нафақат ҳисобни юритишда балки аудит текширувини амалга оширишда бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан аудитор ишлаб чиқариш ташкилотларини аудит қилаётганда ҳар бир объектга тўхталиб ўтмасдан аудиторлик танлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шулар каторида оператив усуллардан фойдаланиш ҳам анча самара беради. Юқорида биз, бунга мисол келтириб ўтдик (50-бет).

Тест усулида қўйилган жами баллар энг юқори балл кўрсаткичига бўлинади. Аниқланган кўрсаткич эса корхонанинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қай даражада риоя қилаётганлик фоизини кўрсатиб беради. Бундай кўрсаткични аудиторлик хулосасига киритилиши буюртмачилар учун зарур бўлган маълумот манбаига эга бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Биз биламизки, бизнинг республикамызда, асосий йирик ишлаб чиқариш ишлари давлат томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ишлари тендрлар ўтказиш орқали, ғолиб бўлган ишлаб чиқариш ташкилотларига тақсимлаб берилади.

Тендрда ғолиб чиқишнинг асосий шартларидан бири ишлаб чиқариш ташкилотларининг молиявий барқарорлик даражаси ҳисобланади. Молиявий барқарорлик даражасини молиявий ҳисоботларда яққол кўриб бўлмайди. Бу кўрсаткични аниқлаш учун маълум мутахассис талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, бу мутахассис айнан аудитор бўлиши мумкин, яъни аудитор нафақат корхонанинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қай даражада риоя қилаётганлигига баҳо бериш балки, унинг молиявий ҳолати “тасвири”ни чизиб бериши керак. Бунинг ишлаб чиқариш ташкилотларида жорий этилиши нафақат ташкилотнинг ўзи учун балки, давлат манфаати нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т: Ўзбекистон, 2010.-10 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси—Тошкент. 2007 йил 25 декабр
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун. 1996 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун 2000-yil 26- май

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори. 2005 йил 15 июнь, № ПҚ-100.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2007 йил 4 апрел, № ПҚ-615.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори. 2009 йил 22 декабр, № ПҚ-1245.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори . 2010 йил 24 декабрь. № ПҚ-1449

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва Қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. 1999 йил 5 феврал. 54-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Статистик ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2002 йил 25 июн, № 30.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари ва молиявий натижаларининг шаклланиши ҳисоби тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. 2003 йил 15 октябрь, № 444
13. «Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида Низом». ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ, МББ, ДСҚ томонидан 2004 йил 2 сентябрда №98, 41, 2004-57, 257-В, 8 қарори билан тасдиқланган.
14. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари.-Т.: Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмаси, 1994.-1-2-3 қисмлар.
15. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 474.
16. 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 483.
17. 3-сон БҲМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот». ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 484.
18. 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Ўз.Р.Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23-октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

- 19.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон буйруғи. ЎЗР АВ томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилган, №1209. (кейинги ўзгаришлар билан)
- 20.Солиқ ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича методик кўрсатмалар. Т.: “Шарқ”, 2009.15-63 б.

II. Президент Ислон Каримов асарлари ва сўзлаган нутқлари

- 21.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2007. - 200 бет.
- 22.Каримов И.А. демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққитининг асосий мезонидир 19-жилд.. –Т.:Ўзбекистон, 2011.-48 бет.
- 23.Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттир, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январ
- 24.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009, 24-бет.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

- 25.Зайналов Ж. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд.:СКИ кулубхонаси, 2002.-41-62 бетлар.
- 26.Ибрагимов А.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008.

- 27.Исроилов Б.И.Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006.
- 28.Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003. -88бет
- 29.Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. - Т. : NORMA, 2008йил., 46 бет.
- 30.Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисобива аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004, 178-179 б.
- 31.Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005. -135б.
- 32.Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2010,-93-116 бет
- 33.Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 273 бет
- 34.Қурбанов З.Н. Монография. Солиқ ҳисоби. Т. , “Фан”, 2006. 76 бет
- 35.Қурбонов З.Н. Солиқ аудити.Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология,2007, 45-бет.
- 36.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. - Т.: Норма МЧЖ, 2009. - 495 бет.
- 37.Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғофур Ғулом, 2000.- 41-58 бетлар

VI. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

- 38.Аннаев М.Б. Даромадлар ҳисобига доир мезонлар ва тамойиллар. «Ўзбекистон: Туризм, иқтисодиёт ва экология» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Самарқанд, СамИСИ, 2009 йил, 30-31 март, 12-22-бетлар.
- 39.Аннаев М.Б. Даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказишда иш ҳажмини аниқлаш. // Иқтисодиёт ва таълим. - 2009. - № 2 - 92-95-бетлар.
- 40.Пошоҳўжаева Д.Д., Худайбердиев У.Х. Ишлаб чиқариш корхоналарининг фойда солиғи таҳлили. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация

килиш шароитида иқтисодийни ривожлантириш ва сервисни такомиллаштиришнинг назарий ва методологик муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.-Самарқанд, СамИСИ, 2006 йил, 12 май,-230- 232 бетлар.

- 41.Уразов К.Б.,Пошоходжаева Д.Д. Фойда солиғи кўрсаткичлари ва улар ҳисобининг концептуал жиҳатлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг сифатини ошириш мавзусидаги халқаро конференция материаллари. -Тошкент, 2009 йил, 8-9 октябр, -32-35 бетлар.
- 42.Уразов К.Б., Пошоҳўжаева Д.Д, Пардаев О.М. Молиявий ҳисоботда фойда солиғи бўйича четланишларни аниқлашда омилли таҳлилни қўллаш хусусиятлари. “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари” (2-қисм) мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Самарқанд, СамИСИ, 2010 йил, 28 июн, -203-206 бетлар.
- 43.Уразов К.Б., Пашаходжаева Д.Д. О значении и порядке проведения аудиторского анализа показателей прибыли.// Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ . Материалы Международной научно-практической конференции -Тамбов 26 апреля 2011 год,-Стр.309-316
- 44.Умидбек Сафаров/Солиқ ва божхона хабарлари/, № 38(946), 2013-йил 20-сентябр

Интернет сайтлари

- 45.<http://www.pravoteka.ru/lib/np/0038/39.html> - Характеристика налоговой системы Российской Федерации
46. <http://www.soliq.uz/uz/regions/40/> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
47. <http://www.google.co.uz> Фойда солиғи ҳисоби ва аудити.
- 48.<http://www.lex.uz>
- 49.<http://www.hisobot.uz>
- 50.<http://www.norma.uz>